
Навбатдаги сайёр қабул ўтказилди

Мамлакатимизда инсон манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилди. Бугун барча давлат идоралари фаолиятида аҳолининг мурожаатлари билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан мутлақо янги тизим яратилди. Жойларда ўтаётган сайёр қабуллар халқнинг дардини эшитиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда, шак-шубҳасиз, қўтилган натижаларни бермоқда

Данғара тумани Пишқарон МФЙда Фарғона вилояти ҳокимлиги вакиллари, туман ҳокими, сектор раҳбарлари ҳамда халқ қабулхонаси мудирини иштирокида фуқаролар мурожаати тингланди. Қабул жараёнида фуқаролар томонидан тадбиркорлик учун банк кредити олиш, ишга жойлашиш, моддий ва тиббий ёрдам масалалари, уй-жойни таъмирлашда кўмаклашиш, ичимлик суви электр таъминотини яхшилаш бўйича мурожаатлари эшитилди.

Барча мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олинди, ечимини топишга мурожаатлар жойида ҳал этилди ва айрим мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониқтирилди.

Муддат талаб этилувчи мурожаатлар эса ҳал этиш учун тегишли мутасаддиларга бириктирилиб, назоратга олинди.

2024-06-13 18:56:51